

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ТУЙЧИЕВА НИЛУФАР МАХСУТЖАНОВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҚАЛАНДАРИЙЛИК ТАРИҚАТИНИНГ ЎЗИГА
ХОС ЖИХАТЛАРИ**

24.00.01 – Ислон тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on historical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

Туйчиева Нилуфар Махсутжановна Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг ўзига хос жиҳатлари....	3
Tuychiyeva Nilufar Mahsutjanovna Special features of the tariqah of Qalandariya in Central Asia.....	23
Туйчиева Нилуфар Махсутжановна Особенности тариката каландария в Центральной Азии	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ.....	46

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ТУЙЧИЕВА НИЛУФАР МАХСУТЖАНОВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҚАЛАНДАРИЙЛИК ТАРИҚАТИНИНГ ЎЗИГА
ХОС ЖИХАТЛАРИ**

24.00.01 – Ислон тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tar890 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.iiu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманов Иброҳим Собирович
тарих фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Остонақулов Икромитдин
тарих фанлари доктори, доцент

Рафиддинов Сайфиддин Сайфуллоҳ ўғли
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» ноябрь соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (73 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» ноябрда тарқатилди.
(2021 йил «___» ноябрдаги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Д.Р.Махсудов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филология фанлари доктори
(DSc) доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филология
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон моддий ҳаёти тараққий этиб бораётган бир вақтда ахлоқий тафаккурни юксалтириш инсониятга маънавий таназзулдан қутилиш имкониятини тақдим этади. Ўрта асрлар тарихида тасаввуф таълимоти инсонни маънавий ва ахлоқий ривожлантирувчи омил вазифасини бажарган. Тасаввуф йўналишларидан бири қаландарийлик “риё” (الرياء) ва “нафс” (النفس)га қарши кураш воситаси бўлибгина қолмай, ўзида мумтоз тасаввуф анъаналари билан бир қаторда турли маданиятлар қоришмасини мужассам этгани билан ҳам бошқа тариқатлардан ажралиб туради. Қаландарийлик ўз асосларида кишининг маънавий оламини тарбиялашни мақсад қилгани боис ахлоқий камолот, инсоний бирдамлик, қаноат ва руҳий покланиш унинг бирламчи мезонлари сифатида қаралмоқда.

Дунёнинг илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим даргоҳларида қаландарийликнинг ижтимоий, тарихий ва тасаввуфий моҳиятини ўрганиш борасида кўплаб изланишлар амалга оширилмоқда. Қаландарийликнинг тариқат сифатида вужудга келиши, ғоялари, ҳудудлар бўйича тарқалиши, ривожланиш сабаблари, йўналишлари, тараққиёт ва таназзул босқичлари юзасидан Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ қаландарийлик тариқатининг минтақавий хусусиятлари ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар талқинида ихтилофлар мавжуд. Шу боис қаландарийликнинг моҳиятига оид маҳсус изланишларни ҳаққонийлик ҳамда илмийлик тамойиллари асосида олиб бориш ушбу йўналишдаги тадқиқотлар самараси янада бойишига ва объектив қарашларнинг тизимли шаклланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда Марказий Осиёда фаолият олиб борган тариқатларнинг тарқалиши ва илмий-маърифий меросини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишларга сўнги йилларда катта имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактабининг ташкил этилиши, Етти пир тарихини ўрганишга бўлган юқори даражадаги эътибор фикримизни тасдиқлайди. Ўзбекистонда қаландарийлик тариқатининг тасаввуф тарихи ва адабиётда талқин этилиши билан боғлиқ илмий изланишлар ҳам амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда “Қаландарнома” туркумида ёзилган китоблардан айримлари таржима қилинганига қарамай, Марказий Осиё қаландарийларининг йўналишлари, фаолият соҳалари, зикр услублари, жаҳонгашталик тамойиллари, масканлари, етакчи пирлари, бошқа ҳудудлардаги тариқат вакиллари билан фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018

йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарб тарихчи, шарқшунос, этнограф, исломшунос, сайёҳ изланувчилари Е.Бертельс, О.Бёрк, И.Гольдцигер, А.Кныш, П.Позднев, И.Петрушевский, Т.Стародуб, Дж.Тримингэм, А.Хисматуллин, А.Шиммель, А.Троицкая, Г.Снесарев, О.Сухарева ва В.Верещагин ва К.Эрнстлар қаландарийликнинг Марказий Осиёда ҳаракат шаклида пайдо бўлиши ва тариқат сифатида Эронда ривож топишига оид тадқиқотларни эълон қилганлар¹. Мазкур тадқиқотлар ўрганиш доирасига Марказий Осиёдаги қаландарларнинг фаолияти, уларнинг ташқи қиёфалари ва умумий сифатларини тавсифи киритилган бўлса-да, уларнинг яшаш тарзи, қарашлари, қаландархоналар фаолияти ҳақидаги ёзма манбалар махсус тадқиқот жараёнларига жалб этилмаган.

Ўзбекистонда қаландарийлик тариқати ҳақида Н.Комилов, Б.Бабаджанов, С.Рафиддинов, И.Остонакулов, И.Усманов, Ҳ.Юлдашходжаев, К.Раҳимов каби шарқшунос, тарихчи, исломшунос, адабиётшуносларнинг китоблари ва илмий мақолаларида маълумотлар учрайди. Уларнинг тадқиқотларида қаландарларнинг амалий фаолияти, турмуш тарзи, ташқи кўринишлари билан боғлиқ маълумотлар берилган². Қаландарийликнинг

¹ Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – 523 с.; Бёрк О. Среди дервишей. Пер. с англ. С.В.Нилов М. Сампо 2002 г. – 192 с.; Гольдцигер И. Лекция об исламе. – Брокгаузъ: Ефрон, 1912 г. – 454 с.; Кныш А. Мусульманский мистицизм: краткая история. – Москва: Диля, 2004. – 464 б.; Позднев П. Дервиши мусульманском мире. – Оренбург: типография Б.Бреслина, 1886. – 386 б.; Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII - XV веках (курс лекций). – Ленинград: Издательство Ленинградского университета, 1966. – 400. с.; Стародуб Т.Х. Средневековая архитектура, связанная с суфизмом: ханака, завия, такия / Суфизм в контексте мусульманской культуры. – Москва: Наука, 1989. – 268-280 с.; Тримингэм Дж. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989. – 326 с.; Хисматуллин А. Суфийская ритуальная практика. СПб: Петербургское востоковедение, 1996. – 208 с.; Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетейя, Энигма, 2000. – 414 с.; Троицкая А. Из Прошлого каландаров и мадахов в Узбекистане // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – Москва: Наука, 1975. 191-223 с.; Троицкая А. Материалы по истории Кокандского ханства. XIX вв. – Москва: Наука, 1969. – 155 с.; Снесарев Г. Под небом Хорезма. – Москва: Мысл, 1973. – 160 с.; Сухарева О. Ислам в Узбекистане. – Тошкент: Издательство Академии Наук Узбекской ССР, 1960. – 85 с.; Сухарева О. Позднефеодальный город Бухара. – Тошкент: АНУССР, 1962. – 194 с.; Сухарева О. Древние черты в формах головных уборов народов средней Азии. – Москва: 1954. 334-335 с.; Верещагин В. От Оренбурга до Ташкента. Москва: 1867-1868. – 129 б.; Эрнст К. Суфизм. – Москва: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

² Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннахр, 2009. – 448 б.; Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп. / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сб. ст. памяти Ф.Майера (1912-

тариқат сифатида шаклланиш жараёнлари ва ғоявий асослари, тоифаларга ажратилиши, манбалардаги хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларга аҳамият қаратилмаган.

Қаландарийлик тарихига оид махсус китоб ёзган замонавий хорижий олимлардан Аҳмад Яшар Ожак, Муҳаммад Шафиъий Кадканий, Абул Хусайн Зарринқўб, Саййид Абу Толиб Миробидин ва Абул Фадл Қунавий ўзлари яшаган ҳудудда қаландарларнинг тутган ўрни, шариат аҳлининг уларга қарши фатволари, қаландарларга нисбатан ижобий ва салбий муносабатларни тадқиқ қилганлар³. Бироқ бу асарларда Марказий Осиё қаландарларига кенг тўхтанилмаган. Қаландарийлик мазкур ҳудудда вужудга келгани, кейинчалик мўғуллар таъкиби остида Туркия ҳудудларига кўчиб ўтгани борасидаги маълумотлар берилган. Улар асосан Эрон ва Туркияда фаолият олиб борган қаландарийлар фаолиятини ёритиб, қаландарийларнинг келиб чиқиш тарихи ва амалиётига доир маълумотларни тақдим этганлар. Бу асарлар Марказий Осиё қаландарийлари ҳақида тўлиқ маълумот бермаса-да, уларнинг минтақаларо фарқларини муқояса қилишга кўмак беради.

Тадқиқот юқорида зикр этилганлардан фарқли равишда қаландарийлик тариқатининг Марказий Осиёдаги фаолияти ва у ҳақида маълумот берувчи асарларни комплекс тарзда тадқиқ ҳамда таҳлил қилишни кўзда тутди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФЗ-202002146 – «Марказий Осиё мутафаккирлари асарлари асосида бузғунчи ғояларга қарши маърифий, тарбиявий кураш асосларини ўзида жамлаган мультимедиа дастури ҳамда мобиль иловасини яратиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бериш орқали жамият ҳаётида тутган ўрнини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг вужудга келиш омилларини тадқиқ этишдаги назарий-услубий ёндашувларни кўрсатиш;

1998) // Сост. и отв. Редактор А.А.Хисматулин. СПб ГУ: 2001.; Манакиби Дукчи ишан (Аноним жития Дукчи Ишана – предводителя Андижанского восстания 1898). Пер. с араб., введение и комментарии Бабаджанова Б. – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – 398 с.; Рафидинов С. Ўзбек адабиётида қаландарийлик ғоялари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000, № 6. – Б. 3-6.; Остонақулов И. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг “Тазкират ул-авлиёи туркий” асари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – 184 б. Остонақулов И. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. – 256 б.; Усманов И. Наводир ал-усул ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. – 175 б; Йўлдошхўжаев Х. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2010. – 78 б.; Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуф тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: Академнашр, 2020. – 400 б.

3 Ahmet Yaşar Ocak, Osmanlı İmparatorluğunda Marjinal Süfilik: Kalendariler, Ankara 1992. – 267 b.; Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Техрон. Сахн, 1966. – 606 б.; Зарринқуб Абдулхусайн. Чустичу дар тасаввуфи Эрон – Душанбе: Ирфон, 1992. – 396 б.; Саййид Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Техрон. 1954. – 71 б.; Абул Фадл Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Қунавий. Ас-Суфиятул қаландария. – Мадина, 2002. – 319 б.

қаландарийлик тариқати йўналишларининг хусусиятларини аниқлаш;
маломатийлик ғояларининг қаландарийлик тариқатига кўрсатган таъсирини тадқиқ этиш;

Марказий Осиё адиблари асарларида қаландар тимсолининг ёритилишини кўрсатиб бериш;

“Қаландарнома” кўлёмалари – қаландарийларнинг қарашлари, амалий фаолиятларини ўрганишда муҳим манба эканини асослаш;

Ўзбекистон Миллий архив ҳужжатларига асосланиб XIX аср охири XX асрнинг биринчи чорагидаги Марказий Осиё қаландарлари фаолиятини очиб бериш;

жадид намояндалари даврий матбуотида Марказий Осиё қаландарийларига муносабатни ёритиш;

қаландарийликка хос жиҳатларнинг замонавий тариқатчиликда намоён бўлиш шакллари белгилаш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Осиёда қаландарийликнинг фаолияти белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини Марказий Осиёда қаландарийлик ҳаракатининг шаклланиши ва тариқат сифатида ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида комплекс ёндашув, тарихийлик, хронологик, мантикийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XI асрда ислом оламида қаландарийлик маломатийлик ҳаракати негизда вужудга келган бўлиб, дастлаб шариат нормалари доирасида фаолият олиб боргани, бироқ ундаги тартиб-қоидаларнинг махфийлиги ва мураккаблиги сабабли оммалашмай қолгани, натижада қаландарийликнинг асл моҳияти фақат “маломат” (الملامة), “ихлос” (الاخلاص), “фақр” (الفقر) мақомларидагина сақланиб қолгани очиб берилган;

Марказий Осиёда қаландарийликнинг юзага келишига асосий омил сифатида шариат ва тасаввуф вакиллари орасида тарқалиб бораётган “риё” (الرياء)нинг олдини олиш ва нафс (النفس)ни ислоҳ қилишга қаратилганлиги ҳамда ушбу иллатларнинг муолажасида “сидқ” (الصدق – тўғрилик) ва “ихлос” (الإخلاص – холислик) ғояларига кенг таянилгани исботланган;

ўрта асрларда қаландарийлик ҳақидаги танқидий муносабат қарашларнинг шаклланишига пантеистик қарашлар, “хулул” (الحلول – Илоҳнинг махлуқ танасига ўтиши) ва “таносух” (التناسخ – руҳнинг кўчиб юриши) ғояларининг кириб қолиши сабаб бўлгани асослаб берилган;

XIX аср охири ва XX асрларга келиб Туркистон ўлкасининг иқтисодий-ижтимоий таназзули натижасида оддий аҳолининг қаландархоналардан бошпана ва егуликни беғараз топиш имконияти мавжудлиги сабабли қаландарлар сафи кўпайиб, қаландархоналар сони 100 га етгани очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қаландарийлик тариқати вакилларининг Эрондан Марказий Осиёга кириб келиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиниб, минтақада шаклланган “қаландархоналар” фаолиятининг ривож топиши, бадий адабиётда қаландар ва дарвеш каби атамалар нафси жиловлаган, руҳий камолотга эришган кишиларга нисбатан қўлланиши, XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида қаландарийлик фаолияти авж олиб, қаландарликка хос жамоалар шаклланиши, минтақа ижтимоий-диний ҳаётида қаландарларнинг тутган ўрни илмий жиҳатдан асосланган;

бугунги кунда тариқатчилик вакиллари фаолиятида кузатилаётган, ижтимоий қонун-қоидаларга бўйсунмайдиган қаландарийларга хос бўлган илмга эътиборсизлик, таваккулга чуқур берилиш, ибодатга бефарқлик, ноодатий либослар кийиш орқали кишилар эътиборини жалб қилиш, оила таъминотини тарк этиш каби даъволар очиб берилган;

“Қаландарнома” жанрининг юзага келиши ва илмий аҳамиятини очиб бериш мақсадида ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғиналар фонди ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида сақланаётган қўлғина нусхалар аниқланган;

жадидлар даврига оид маҳаллий матбуот мақолалари ўрганилиб, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги қаландарийларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ва қаландархоналардаги ҳолатларни ўрганиш асосида олинган натижалардан ислом тарихи ва манбашунослиги, тасаввуф тарихига оид маълумотлар баъзасини шакллантиришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги қаландарийликка оид маҳаллий ва хорижий мамлакатлар олимларининг фундаментал қарашлари ёритилгани, Шарқ ва Ғарб тасаввуфшунослигидаги назарий ёндашувлар таҳлил қилингани, олинган илмий натижаларнинг тарихий фактлар қўлғина асарлар ва архив ҳужжатларига асослангани, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тасаввуф тариқатларини ўрганишда янгича илмий ёндашув ва тадқиқотларга асос бўлиш, замонавий тариқатчилик вакиллари билан ишлашда илмий-назарий жиҳатларни такомиллаштириш, ёшлар қалбини жаҳолат, ёт ғоялардан ҳимоя қилиш борасидаги билим ва кўникмаларини кучайтиришда самарали таъсир этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан “Тасаввуф”, “Ислом тарихи”, “Исломшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослиги” каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг ўзига хос жиҳатлари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

XI асрда ислом оламида қаландарийлик маломатийлик ҳаракати негизида вужудга келган бўлиб, дастлаб шариат нормалари доирасида фаолият олиб боргани, бироқ ундаги тартиб-қоидаларнинг махфийлиги ва мураккаблиги сабабли оммалашмай қолгани, натижада қаландарийликнинг асл моҳияти фақат “маломат” (الملامة), “ихлос” (الاخلاص), “фақр” (الفقر) мақомларидагина сақланиб қолгани очиб берилгани тўғрисидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган “Тасаввуфга кириш” ўқув кўлланмаси, “Тасаввуф атамалари” изоҳли луғати, ҳамда “Ислом маърифати ва ҳозирги замон” китобининг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 7 июндаги 2472-сон маълумотномаси). Натижада мазкур китобларда келтирилган маълумотлар ўқувчи ва талабаларда қаландарийлик тариқатига оид тушунча ва тасаввурларнинг шаклланишига хизмат қилган;

Марказий Осиёда қаландарийликнинг юзага келишига асосий омил сифатида шариат ва тасаввуф вакиллари орасида тарқалиб бораётган “риё” (الرياء)нинг олдини олиш ва нафс (النفس)ни ислоҳ қилишга қаратилганлиги ҳамда ушбу иллатларнинг муолажасида “сидқ” (الصدق – тўғрилиқ) ва “ихлос” (الإخلاص – холислик) ғояларига кенг таянилгани исботлангани ҳақидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» китобининг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 1 июндаги 02/353-сон маълумотномаси). Натижада қаландарийлик тариқатининг яқин ўтмишдаги ўрни ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка танитиш имконияти яратилган;

ўрта асрларда қаландарийлик ҳақидаги танқидий муносабат қарашларнинг шаклланишига пантеистик қарашлар, “хулул” (الحلول – Илоҳнинг махлуқ танасига ўтиши) ва “таносух” (التناسخ – руҳнинг кўчиб юриши) ғояларининг кириб қолиши сабаб бўлгани асослаб берилгани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосида тайёрланган “Ислом цивилизацияси” қомусий луғатини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2021 йил 29 июлдаги 1114-сон маълумотномаси). Натижада мазкур маълумотлар минтақада тасаввуф тарихига оид янги хулоса ва қарашлар асосида қаландарийлик тариқатининг амалиёти ва тарихий хусусиятлари билан яқиндан танишиш имконини берган;

XIX аср охири ва XX асрларга келиб Туркистон ўлкасининг иқтисодий-ижтимоий таназули натижасида оддий аҳолининг қаландархоналардан бошпана ва егуликни беғараз топиш имконияти мавжудлиги сабабли

қаландарлар сафи кўпайиб, қаландархоналар сони 100 га етгани очиб берилгани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосидаги “Маърифат гулшани” ва “Маърифат зиёси” қўлланмалари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йил 7 июндаги 1314-сон маълумотномаси). Натижада фуқаролар ва маҳалла фаоллари фаолияти жараёнида дуч келадиган тариқатчилик билан боғлиқ муаммоли масалалар ечимини топишида ва бош имом-хатибларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиларининг малакалари ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 12 та мақола, шундан, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қаландарийлик тариқатини ўрганишнинг назарий-тарихий асослари”** деб номланган биринчи боб уч параграфдан иборат бўлиб, унда манбаларда қаландарийлик тариқати тарихининг ёритилиши, Марказий Осиёда қаландарийликнинг вужудга келиш шарт-шароитлари, унинг йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлар таҳлил қилинган.

Қаландарийлик тарихи, юзага келиш шарт-шароитлари, ғоявий асослари ва йўналишларини ёритувчи манбаларни тўрт туркумга бўлиш мумкин:

1) Қаландарийлик тариқати ҳақида маълумот берувчи саёҳатнома китоблар. Араб сайёҳи Ибн Баттута (1304-1377), венгриялик сайёҳ Армени Вамбери (1832-1913), рус рассом ва сайёҳи Василий Верещагин (1842-1904)ларнинг “Саёҳатнома” туркумидаги ишлари шулар жумласидан. Улар орасида Ибн Баттутанинг қаландарларга нисбатан холис ва мўътадил ёндашуви ўзига хослиги билан ажралиб туради. А.Вамбери ва

В.Верешагинларнинг китобларида қаландарлар жамиятнинг энг қолоқ тоифаси вакиллари сифатида муболаға билан таърифланган. Уларнинг ёндашувларида танқидийлик кайфияти сезилиб туради. Француз сайёҳи Николас де Николайнинг “Кемалар навигацияси”, Жованно Антонио Менавино (1492-1514)нинг “Саёҳатнома” туркумидаги китобларида ҳозирги Туркия ҳудудидаги қаландарларнинг ташқи қиёфалари, ҳаёт тарзи, жамиятда тутган ўрни ёритилган.

Сайёҳлардан ташқари мусаввир ва рассомлар ҳам ўз ижодларида қаландарийлик қиёфасига аҳамият қаратганлар. Шарқ мусаввири Камолиддин Бехзод томонидан жундан либос кийган “Қаландар” образининг яратилиши мазкур тариқат вакиллариининг рассом яшаган даврдаги кўринишини намоён қилган. Мусаввир ҳақиқий маънодаги, одоб чегараларидан четлашмаган қаландар образини намоёиш қилган.

Камолиддин Бехзоднинг “Бағдодлик дарвеш” номли яна бир суратида нуроний ва донишманд суфий киши тасвири акс этган. Бу асарида Камолиддин Бехзод ҳақиқий суфий ва руҳий камолоти юксак дарвешнинг қиёфасини кўрсатишга уринган.

2) Қаландарларнинг амалиёти ва ғоявий асосларини ўзида жамлаган тасаввуфий манбаларни ҳам шартли равишда 3 турга бўлиш мумкин:

а) ўзларини қаландар деб ҳисоблаган суфий-шоирлар томонидан ёзилган манбалар. Бобо Тоҳур Урён (ваф.1055 й.), Ҳаким Саной (ваф.1150 й.), Фаҳриддин Ироқийлар (ваф. 1289 й.), Саъдий Шерозий (ваф.1292 й.), Ҳофиз Шерозий (ваф. 1388 й.)ларнинг рубоий, ғазал ва маснавийларида қаландарлик шарафли даража ва мақталган мартаба сифатида эътироф этилган;

б) ўрта аср муҳитида яшаб қаландарийлар ҳаётини ёритган суфийлар. Абдуллоҳ Ансорийнинг “Қаландарнома”, Абу Ҳафс Сухравардий “Аворифу-л-маъориф”, Абдурахмон Жомий “Нафахотул-унс мин хазаротил-қудс”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубу-л-қулуб” ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарлари қаландарлар ҳақида объектив маълумот беради. Бу асар муаллифлари қаландарийларни маломатийларга солиштириб, сохта ва ҳақиқийга ажратган ҳолда таҳлил қилганлар;

в) қўлёзма манбалар: ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги “Қаландарнома”лар (№ 6239; № 9175; № 11668; № 4320/3; № 1577;), Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг манбалар хазинаси фондидаги “Рисолати дарвеш ва қаландар” (1090/ 255/2), “Дар баёни имон ва мақомати дарвеш” (1093-255/V), “Рисолати қаландарий” (1099-279/II), Туркия марказий кутубхонаси “Рисолаи қаландарномэ” (Dem No: 137648/ Tas No: 2977) қўлёзмалари. Қаландарнома китобларининг замонавий нашрлари ҳам тадқиқот доирасига жалб қилинган бўлиб, Шаҳобиддин Сухравардий, Бобо Ҳожи Абдурахим Бухорий, Абу Бакр қаландар Румийларнинг “Қаландарнома” қўлёзма китобларининг замонавий

нашрлари шулар жумласидан⁴.

3) Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган материаллар, хусусан, “Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси” (И.-1-фонд), Сирдарё вилояти бошқармаси (И.-17-фонд), “Жиззах вилояти начальниги рапорти” (И.-21-фонд). Жаҳид даврий матбуотида чоп этилган мақолалар: “Садои Туркистон” (1914. 1-сон), “Қизил байроқ” (1920. 8-сон; 1920. 138-сон), “Туркистон” (1923. 169-сон; 1923 185-сон.), “Ёш ленинчи” (1991. 24-июль).

4) Замоनावий тадқиқотлар. Диссертацияга маҳаллий ва Яқин Шарқ тадқиқотлари, рус совет олимлари, ғарб шарқшуносларининг илмий изланишлари жалб этилган бўлиб, уларда қисман Марказий Осиё ҳудуди қаландарларининг фаолиятига ҳам аҳамият қаратилган.

Қаландарийлик тариқатининг Эронда ривожланиши ва ҳозирги Туркия, Ҳиндистон ҳамда Ўзбекистонда фаолият юритиши билан боғлиқ изланишлар орасида турк тадқиқотлари алоҳида ўрин туради. Аҳмет Яшар Ожак ва Аҳмет Карамустафалар қаландарийлик тариқатининг бугунги Туркия ҳудудида пайдо бўлиши ва ривожига ҳақида алоҳида рисола таълиф этганлар.

Мазкур тадқиқотда Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ҳамда ҳолис баҳо беришда тарихийлик тамойилига алоҳида эътибор қаратилган. Диссертациянинг услубий асосларини белгилашда таниқли маҳаллий олимлардан Н.Комилов, С.Рафиддинов, И.Усманов, турк олимлари А.Ожак ва А.Карамустафа, эронлик М.Кадканий, рус олимларидан Г.Снесарев, О.Сухарева, А.Троицкаяларнинг тадқиқотларида келтирилган назарий хулосалардан унумли фойдаланилган.

Марказий Осиёдаги асосий мазҳаб мақомидаги суннийлик-ҳанафийлик ўлкада суфиёна қарашлар ва турмуш тарзининг шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлган. Бу борада И.Усманов Мовароуннаҳр тасаввуфининг ҳанафий-мотуридийлик мазҳаби таъсирида бўлганини алоҳида таъкидлайди⁵.

Қаландарийларга хос ҳурфикрлилик ғоялари ҳанафийлик мазҳабининг плюрализм тамойилларига мутаносиб бўлгани учун ушбу тариқат вакиллари фаолиятлари Марказий Осиёда таъқиқланмаган.

Аҳмет Карамустафонинг фикрига кўра, ҳанафийликка хос бағрикенглик тамойиллари қаландарийликнинг ноанъанавий кўринишларини ушбу ҳудудда кенг тарқалишини таъминлаган⁶.

Қаландарийлик XI асрда Марказий Осиёда маломатийлик харақати таъсири остида вужудга келиб, бу даврда тўлалигича тариқат сифатида

⁴ Bobo Hoja Abdurahim Vuxoriy. Qalandarime be nomi odobi tariq. –Tehron. Nashri chashme, 1975. – 373 s. Абу Бакр Каландар Руми. Каландар-наме: – Пер. с перс. И.Р.Гибадуллина, М.Р.Шамсимухаметовой. – Казань: Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ, 2017. – 1044 с.

⁵ Усманов И. Мовароуннаҳр тариқатларида ақидавий қарашлар // Илмий таҳлилий ахборот: – Тошкент. ТИУ, 2017. №3. – Б.4.

⁶ Kara Mustafa. God's Unruly Friends: Dervish Groups in the Islamic Middle Period 1200-1550 Paperback – June 1, 2006.

шаклланмаган. Дастлаб “ҳаракат” ёки “уюшма” тарихида фаолият юритган ва минтақада ўз мавқеига эга бўлган. IX-X асрда пайдо бўлган маломат тушунчаси XII-XIII асрларда бир-биридан фарқли икки йўналишда шаклланди. Булардан бири қаландарий тариқатларидан ҳайдария ва жавлақия бўлса, иккинчиси, диний қоидаларга маҳкам амал қилувчи ва маломатий қарашларни илгари сурган хожагон тариқати.

Қисқа вақт ичида қаландарийлик нафақат Марказий Осиёда, балки Ғарбда Ироқ ва Суриягача тарқалди. XIII аср бошларига келиб, қаландарлик инқирозга юз тутиб натижада тарафдорларининг бир қисми қаландарийлик тариқатига уюшган бўлсалар, иккинчи қисми бошқа тасаввуфий тариқатларга қўшилиб кетганлари аниқланган⁷.

1219 йилдан эътиборан эронлик суфий Жамолиддин Савий (ваф.1221 й.) ҳаракатлари туфайли қаландарлик тариқат шаклида фаолият юритган. Жамолиддин Савийнинг шогирдлари у жорий қилган “чор дарб” - соч, соқол, қош ва мўйловни қириш одати билан бошқа суфийлардан ажралиб турганлар.

Қаландарийлик тариқатининг йўналишлари минтақавий тарқалишига кўра бир-биридан фарқ қилган. Марказий Осиё қаландарлари Эрон ва Туркия ҳудудидаги қаландарлардан мўътадиллиги ҳамда суннийликка қатъий риоя этиши билан ажралиб турган. Бу минтақада қаландарийликнинг ҳайдарийлик, ишқийлик, хароботийлик йўналишлари фаолият олиб борган. Қутбиддин Ҳайдар Завойи (ваф. 1221 й.) Хуросонда пайдо бўлган ҳайдарийликнинг асосчиси саналади. У ўрта осийлик туркий қавмлардан чиққан бўлиб, Аҳмад Яссавийнинг издошларидан бўлган.

Диссертациянинг **“Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг таълимоти ва амалиёти”** деб номланган иккинчи бобида маломатийлик таълимотининг қаландарийлик ғояларида акс этиши ҳамда улар орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар таҳлил қилинган. Марказий Осиё адиблари асарларида қаландарлик тимсолининг ёритилиши, “Қаландарнома” рисолаларида мазкур тариқатнинг амалиёти талқинининг акс этиши каби масалалар ўрганилган.

Маломатийлар билан замондош бўлган Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) томонидан маломатийлар ва уларнинг нафс ҳақидаги қарашлари танқид қилинган. Сидқ, ихлос, нафсни хорлаш масалалари ҳаддан зиёдэътибор қаратиш чуқур берилиш кейинчалик адашишга сабаб бўлишини қайд этган. Дастлаб нафл ибодатларни яшириб бажариш, риёкорликдан сақланиш, ўз нафсини хорлаш орқали ўзгалар маломатига эришишга асосланган маломатийлик аста-секин таҳқирланишга олиб келишини ёқламаган. Ҳаким Термизий огоҳлантирганидек, маломатийларнинг нафс масаласидаги амалий ҳаракатлари кейинчалик танқидий муносабатларни юзага келтирди.

Маломатийларни ёқлаб биринчи бўлиб рисола ёзган мутасаввиф Абдурахмон ас-Суламий (ваф. 1021 й.)⁸ ўз даврида қаландарийларга

⁷ Кньш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Москва: Дия, 2004. – С. 314.

⁸ Мухаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Техрон. 1966. – Б. 132.

маломатийлар каби юқори баҳо берган. Тасаввуфий манбаларда тиланчилик қилиш, уйланмаслик, дарбадар юриш каби салбий жиҳатлар билан таърифланган дарвешлар билан Суламий келтирган қаландарийлик ўртасида катта тафовут мавжуд.

Қаландарийлар ички ҳолатларини намойиш қилмаслик, нафл амалларини ошкора бажармасликка ҳаракат қилиб, кўпроқ амалиётга урғу берганлари боис йўналишнинг назарий ва амалий асосларига доир адабиётлар яратишга катта аҳамият бермаганлар. Улар назарий асосга эга эмаслигини даъво қилувчилар уларни илмсизликда айблаганлар. Шу туфайли диний уламолар томонидан қаландарийлик илмий-назарий асосларга таянмайдиган, асоссиз амалиётлар мажмуидан иборат оқим сифатида белгиланган. Абдурахмон Жомий (1414-1492) эса маломатийлар ва қаландарларни ўзаро муқояса қилиб, маломатий суфийлик одатларига риоя қилган, қаландар эса аксинча, бу одатларни бузишга ҳаракат қилган, (атайин, кишилар таъна қилишлари учун) деб таърифлаган. Маломатий ҳар нарсада яхшилиқни кўриб, ўзининг савобли ишларини яширишни маъқул санаган. Қаландар эса қалб поклиги билан кифояланади, деб муносабат билдирган.

Қаландарийликка хос жиҳатлар нафақат тасаввуф, балки адабиёт ва санъатга ҳам сезиларли таъсир ўтказган бўлса-да, бу соҳа чуқур ўрганилган эмас. Адабий манбаларда “қаландар” атамаси турли маъноларда талқин қилинади. Хусусан, бадий асарларда қаландарларнинг ички олами, маънавий қарашлари ахлоқ намунаси сифатида Бобо Тохур Урён, Саной, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Фахриддин Ироқий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Хайратий, Мавлоно Хароботий ижодида тасвирланган.

Мумтоз адабиётда қаландарлар турли кўринишда тасвирланганлар. Қаландар лирик қаҳрамон сифатида қуйидаги маънавий қиёфаларга эга бўлган: ошиқ, мажзуб ва адашган. Ошиқ қаландарлар – чинакам Ҳақ ошиқлари, ботин (ички олам) ободлиги учун зоҳир хароблигига парво қилмайдиган кишилар. Мажзуб қаландарлар – қисса, маноқиб ва тазкираларда тавсиф этилган валийсифат суфийлар. Учинчиси қиёфа эгалари бўлган қаландарлар амалларида намойиш ва риёдан сақлана олмаган дарвешлар. Улар одоб талабларидан четга чиққан тоифа сифатида ёритилган. Улар одоб талабларидан четга чиққан тоифа сифатида баҳоланган⁹.

Алишер Навоий қаландар атамасини кўп бора тилга олиб, “Маҳбубу-л-қулуб” асарида уларни қуйидаги турларга ажратган: мажзуб қаландарлар, қаландарлик даъвосини қиладиган “шилқим гадолар”, очкўз, фосиқ ва ҳорис маслаксотарлар.

Навоийнинг издошларидан бўлган, мутасаввиф олим Ҳусайн Воиз Кошифий эса қаландарларнинг амалиётлари, маросимлари, ташқи қиёфа ва

⁹ Рафиддинов С. Ўзбек адабиётида қаландарийлик ғоялари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000, № 6-сон. – Б. 3-6.

одатлари ҳақида маълумот берган¹⁰. У хирқа учун ипак бўлмаган матолар жоиз бўлиб, дарвешга жундан тикилган хирқа (пашмина) авлолигини, негаки у кўнгилда ҳаловат, илоҳий жамолдан хузурланишни ҳис этиш учун муҳимлигини таъкидлаган. Фақирлик хирқаси учун тўрт матодан бирини танлаб кийиш жоиз: жун, пахта, палос ва тери.

Ҳусайн Воиз Кошифий “қаландар”, “дарвеш” атамасини бир турда ифодалаган. Уларни фарқларга ажратмаган ҳолда умумий сифатларини жамлаб таърифлаган. Фақирлар деганда кўпроқ қаландарларни назарда тутган.

Шарқ адабиёти билан бир қаторда тасвирий санъатда ҳам “қаландар” ва “дарвеш” тимсолларига алоҳида аҳамият бериб келинган. Жумладан, Камолиддин Бехзоднинг “Қаландар” ҳамда “Бағдодлик дарвеш” номли портрети дарвеш образини яратишда унинг юксак маҳоратини намоён этган. Бу миниатюра ва портретлар Марказий Осиёга хос қаландарларнинг кўриниши ҳамда даврий жиҳатдан фарқларини намоён қилган.

Камолиддин Бехзод қаландар ва дарвеш қиёфасини икки хил кўринишда ифодалаш орқали уларнинг фарқларини кўрсатиб берган. Қаландар тасвирида ўзини жисман ва руҳан унитган ҳолда Яратганга боғлаган зоҳид акс этса ва дарвеш тимсолида тафаккур орқали Аллоҳга ботинан бирлашган образни намоён қилган. Бундан келиб чиқадики, қаландар ошиқлик мақомидаги суфий, дарвеш эса ирфон босқичидаги тафаккур соҳиби бўлганлар.

Марказий Осиё қаландарлари ҳақида маълумот берувчи “Қаландарнома” туркумидаги кўлөзма китоблар маҳаллий фондларда сақланади. Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида 4 та, ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлөзмалар фондида 3 та “Қаландарнома” мавжуд. Уларда қаландарлик одоби ва улар риоя этиши лозим бўлган амалий тавсиялар келтирилган.

Ҳолати яхши сақланган “Қаландарнома” нусхаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 9175 рақами остида сақланаётган 200 саҳифалик кўлөзманинг 10 саҳифаси қаландарликка бағишланган бўлиб, ушбу кичик рисола “Рисолаи қаландарий” деб аталади. Рисоланинг муаллифи номаълум бўлиб, муаллиф Имом Сухравардий ва Баҳоуддин Нақшбанднинг суфиёна қарашларидан келиб чиқиб, мазкур китобчани ёзгани аниқланган.

Абу Бакр Қаландар Румийнинг “Қаландарнома” китобининг замонавий нашри Қозон шаҳрида чоп этилган. Унинг асл кўлөзма нусхаси ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (№11668) сақланади.

Қаландарномалар тариқатга янги кирган солиқлар учун қўлланма вазифасини ўтаган. “Фақир”лик тушунчасининг изоҳи, “қаландар” атамасининг ҳарфий шарҳи, кулоҳ кийиш одоби ва унинг турлари, тариқатга

¹⁰ Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний / Кошифий Ҳусайн Воиз, нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 376 б.

кирган киши ўқиши лозим бўлган дуолари келтирилган. Қаландарномалар орқали ёш солиқларга тариқатнинг илк босқичлари ва амалиёти билан боғлиқ кўрсатмалар берилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Марказий Осиё қаландарларига оид манбалар таҳлили”** деб номланади. Бу бобда Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатларида қаландарийлик ва қаландархоналар фаолияти, жаҳид адибларининг Марказий Осиё қаландарларига муносабати, замонавий тариқатлардаги қаландарликка хос хусусиятлар очиб берилган.

Ўзбекистон Миллий архивида қаландарийларга оид XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрларнинг биринчи чорагига тааллуқли ҳужжатлар сақланади. Улар ҳақидаги маълумотлар масжид, мадраса ва вақфга тегишли ҳужжатлар таркибида учрайди. Ҳужжатларда Туркистон ўлкасидаги эшонлар ва дарвешларнинг мамлакат ривожига ҳамда аҳоли маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи шахслар сифатида баён қилинган. Рус ҳукуматида нисбатан хавф туғдириши мумкин бўлган омиллар сифатида қаландарийлар фаолияти ҳам тугатилиши лозимлиги уқтирилган.

Ҳужжатларга биноан, қаландарлар энг кўп тарқалган ҳудуд ва маркази Самарқанднинг Каттакўрғон тумани бўлгани аниқланди. Рус мустамлакаси даврига келиб, қаландарларнинг машҳур пири Ҳожи Сафо Валийнинг тўрт нафар ўғли Самарқанд қаландархонасида етакчилик қилган. Улар бошчилигидаги қаландарлар гуруҳи “қирқ қаландар” номи билан аталган.

Абу Тоҳирхўжа Самарқандий Марказий Осиёдаги қаландарларнинг пири Бобо Ҳожи Сафо Валий (ваф. 1740-й.) ҳисобланиб, унинг мозори Самарқанд шаҳрининг ташқарисида, жануби-шарқий бурчагида, “Қаландархона” тақяси деб аталадиган қаландархона маҳалласида жойлашганини қайд этган. Ҳожи Сафо Валий кулоҳ ва жандани Бобо Ҳожи Абдурахим қаландардан кийгани ва силсиласи Али ибн Абу Толиб орқали Муҳаммад (с.а.в)га бориб тақалиши қайд этилган. Ҳожи Бобо Сафо Маккада ҳам фаолият олиб бориб, у ердан Самарқандга қайтиб, тақя ва қаландархона солдирган¹¹.

А.Троицкая Самарқанд қаландархонаси Бухоро, Қашғар, Афғонистон ва Хивадагилардан назорат қилиш ҳуқуқига эгаллиги билан ажралиб туришини таъкидлаган. Бундан ташқари Самарқандда шайхлик мақоми наслдан-наслга ўтиши шарт ҳисобланган. Тадқиқотчи Ўзбекистон қаландарийларига хос атамаларнинг изоҳини шакллантириш орқали қаландарийлар орасида қўлланиладиган баъзи сўзларга ойдинлик киритган. Жумладан, минтақа бўйича ягона етакчи пир “бобо” ёки “тўра” деб аталган. Ундан кейин “отавой” катта қаландар вазифасини бажариб, тушумларни назорат ва тақсимловчи шахс экани келтирилган. Шунингдек, қаландарийлар орасида Аҳмад Яссавий ва Бобораҳим Машраб каби шоирларнинг шеърларидан тузилган мажмуа “талқин” бўлиб, уни баланд овозда ўқувчи гуруҳнинг ягона

¹¹ Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. «Муъин ал-фуқаро», «Тарихи муллазода» (Бухоро мозорлари зикри); Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 161-162.

аъзоси “пешталқин” ёки “пешхон” ва унга жўр бўлувчи қаландарлар эса “пасталқин” номини олган. Қаландарийлар доира шаклида, одамлар гавжум жойда “само” зикр амалиётини бажариб, унинг якунида “салотоғур” вазифасидаги қаландарий дуо ўқиш билан мазкур амалиётни тамомлаши керак бўлган. Бу амалиёт ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари ташкил қилиниши лозим бўлган¹².

Тошкентдаги қаландарийлар билан бевосита мулоқот қилган В.В.Верещагин 1867-1868 йиллар Тошкентга қилган сафари натижасида бир муддат қаландархоналарда истиқомат қилган. У ернинг шарт-шароитини яхши ўрганиб, қаландарийларнинг ташқи қиёфаларини суратларда акс эттириш натижасида “От Оренбурга до Ташкента”¹³ рисоласини ёзган ва “Туркистон серияси” номли суратлар тўплами билан Санкт-Петербург шаҳридаги кўрғазмада иштирок этган.

Ўзбекистон Миллий архивидаги И-1-рақамли 1899 йилга оид ҳужжатга кўра¹⁴, ўлкада 2000 дан ортиқ қаландар фаолият олиб борган. Унга ҳар бир вилоятдаги қаландархоналар ҳамда уларнинг аъзоларининг сони билан боғлиқ маълумотлар киритилган.

